

Рўза тутиш ман қилинган кунлар | Фикҳ дарслари (345-дарс)



19:00 / 11.09.2025 1233

Васиятга амал қилиш учдан бирдан бўлади.

Яъни мазкур шахс ўлаётиб, «Тута олмаган рўзамнинг фидяси берилсин», деган васиятни қилган бўлса, у меросга қолдирган молнинг учдан биридан берилади. Агар фидянинг миқдори мероснинг учдан биридан кўп бўлса, ундан ортганини меросхўрлар бермасликка ҳақлилар.

Ҳар бир қазо қилинган намознинг фидяси бир кунлик рўзанинг фидяси миқдорича.

Киши ўлиmidан олдинги беморлигида баъзи намозларини ўқий олмаган бўлса, ўша қазо қилинган намозларга ҳам меросхўрлари фидя беришлари мумкин. Бунда қазо қилинган бир вақт намоз учун бир кунлик рўзага берилган фидя миқдорида фидя берилади.

Бировнинг ўрнига бошқанинг қилган ибодати ўтмайди.

Яъни ўлган кишининг қазо намоз ва рўзалари ўрнига унинг меросхўрлари намоз ўқиб, рўза тутишлари жоиз эмас.

???????? ?????????????? ??? ???? ?????????

?????? ?????? ?????????????? ????????? ??????: ???

???????? ?????????????? ??? ???? ?????? ?????????

???? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????

????? ?????????? ?????????? ??? ??????????.

Имом Насоий қилган ривоятда Ибн Аббос розияллоху анхумо:

«Бирингиз бошқа бир кишининг ўрнига рўза ҳам тутмайди, бошқа кишининг ўрнига намоз ҳам ўқимайди. Лекин унинг номидан ҳар бир кун ўрнига буғдойдан таом беради», деган.

????? ?????????? ?????????????????? ??? ???? ?????????

???????? ?????? ?????????????? ??????: ??? ??????????????

???????? ??? ???? ?????????? ?????? ?????????????? ?????????

????????? ?????????????? ??? ?????????? ?????????????

????????????????? ?????????? ??? ??????????????.

Абдурраззоқ келтирган ривоятда Ибн Умар розияллоху анхумо:

«Биров ҳеч қачон бировнинг ўрнига намоз ҳам ўқимайди, рўза ҳам тутмайди. Аммо қиладиган бўлсанг, садақа қилгин ёки ҳадя қилгин»

, деган.

????? ?????????????????? ????? ?????? ??????? ???????

????? ?????????????? ??????: ?????? ?????????? ??????

??????? ?????? ??????????? ?????????????? ??? ????????? ??????

????????????? ??????????: «?????????? ?????????? ????? ??????

??????? ??????????????».

Имом Термизий Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қазо рўзаси бўлатуриб вафот этган киши ҳақида:

«Унинг номидан ҳар бир кун ўрнига бир мискинга таом берилади», дедилар».

Нафл рўзани бошлагандан кейин охиригача тутиш лозим бўлади. Илло, рўза тутиш ман қилинган кунлар – ийди Фитр, ийди Азҳо ва ундан кейинги уч кун бундан мустасно.

Шунинг учун нафл рўзани очиб юборган одам унинг қазосини тутиши вожиб бўлади.

????? ?????????????? ??????? ??????? ?????????????? ??????????:

?????????? ??? ?????????????????? ??????????? ???????????

???????????????? ????????????????? ????? ???????

???????? ?????? ??????? ?????? ?????????? ?????????????

???????????? ??????: ??? ????????? ????????? ???????

???????????? ?????? ????????????? ?????????????????????????

???????????????????? ?????????? ?????????? ?????? r: «???

????????????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????».

????????? ?????? ?????????? ?????????????????????????

?????????????

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Менга ва Ҳафсага таом ҳадя қилинди. Икковимиз рўзадор эдик. Бас, оғзимизни очиб юбордик. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кирдилар ва биз у зотга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳадя қилинган эди. Иштаҳамиз келиб оғзимизни очиб юбордик», дедик.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга ҳеч нарса бўлмайди. Унинг ўрнига бошқа куни рўза тутиб қўйинглар», дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Молик ривоят қилган.

Рўза тутиш ман қилинган кунлар – рўза ҳайити куни, Қурбон ҳайити куни ва ундан кейинги уч кун – ҳаммаси бўлиб беш кун.

Мазкур кунларда рўза тутиш ман қилинган. Шунинг учун у кунларда тутилган рўзани ҳам очиб юбориш керак бўлади. Бинобарин, ўша очиб юборилган нафл рўзанинг қазоси тутилмайди.

Мазкур кунларда назр рўза тутса бўлади. Лекин уни очиб юбориб, кейин қазосини тутади. Агар тутаверса, рўзаси рўза бўлади.

Назр рўза тутиш мазкур кунларда рўза тутмаслик ҳақидаги наҳийлардан истисно қилингандир.

Нафл рўза тутувчи зиёфат узри ила рўзасини очса бўлади. Кейин қазосини тутади.

???? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ??????????:

??????? ?????????? ?????????????? ???????? ?????? ???????????

??????????? ?????? ?????????? ??????????: «????? ??????????????

?????????» ??????????????: ?????? ??????: «????????????? ????????

?????????» . ?????? ?????????????? ?????????? ????????

?????????????: ??? ?????????? ?????????? ?????????????? ??????

????????? ??????????: «????????????????? ??????????????

????????????????? ??????????????»? ?????????? . ??????????

????????????????? ???????? ?????????????????????.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни олдимизга кириб:

«Ҳузурингизда бирор нарса борми?» дедилар.

«Йўқ», дедик.

«Ундай бўлса, мен рўзадорман», дедилар.

Сўнгра бошқа бир куни олдимизга келган эдилар,

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳайс ҳадя қилинди», дедик.

**«Қани, менга кўрсат-чи, рўза ният қилган эдим», дедилар ва ундан
едилар».**

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

**Мусофир муқим бўлган, ҳайзли аёл пок бўлган, ёш бола балоғатга
етган ва кофир мусулмон бўлган куни куннинг қолган вақтида ўзини
тияди. Охириг иккиси қазо тутмайди.**

Яъни Рамазонда куннинг бир бўлаги ўтгандан сўнг мусофир сафардан
қайтиб келса, ҳайз кўриб турган аёлнинг ҳайзи тўхтаса, ёш бола балоғатга
етса ёки кофир Исломни қабул қилса, буларнинг ҳаммаси куннинг қолган
қисмида худди рўзадордек бўлиб, емай-ичмай юради.

Балоғатга етган ёш бола ва янги мусулмон бўлган одамга ўша куннинг
қазосини тутиш лозим бўлмайди.

**Муқим сафарга чиқса, ўша куннинг рўзасини охирига етказди. Агар
очиб юборса, унга каффорат лозим бўлмайди.**

Ўз юртида яшаб турган шахс рўза тутиб олиб, куннинг маълум қисми
ўтганидан кейин сафарга чиқса, рўзасини сафарда бўлса ҳам охирига
етказди. Мабодо «Мусофир бўлдим», деган фикр ила ўша куннинг
рўзасини очиб юборса, қазосини тутди. Аммо каффорат бермайди.

**Ойнинг ҳаммасида мажнун бўлиш рўзани соқит қилади. Баъзисида
эмас.**

Бир Рамазон ойи тўлиқ мажнун бўлса, унга рўза тутиш фарз бўлмайди.
Аммо Рамазон ойининг баъзи кунлари мажнун бўлиб, қолган кунлари
соғайиб қолса, соғ кунларининг адосини, жинни бўлган кунларининг
қазосини тутди.

Агар бир неча кун ҳушидан кетиб ётган бўлса, ўша кунларнинг қазосини тутеди. Илло, ниятини қилган кунни тутмайди.

Чунки ўша кунги рўзаси ўз ўрнида адо бўлган ҳисобланади.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.